



2019 yil « 23 » март 99 – Қ - sonli

Samarqand sh.

**“БЕК ISAEVICH” МЧЖга
инвестициявий ва ижтимоий
мажбуриятлар белгилаган ҳолда
жунни қайта ишлаш корхонаси
ташқил этиш учун ер участкаси
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “БЕК ISAEVICH” масъулияти чекланган жамиятига жунни қайта ишлаш корхонаси ташқил этиш учун Пастдарғом тумани ҳокимлиги захира ер ҳисобидаги “Кимёгарлар” МФЙ ҳудудидан 1,5 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони куйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

жунни қайта ишлаш корхонаси ташқил этиш учун 1,1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

2019 йил 1 декабрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

60 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “BEK ISAEVICH” масъулияти чекланган жамияти томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. Пастдарғом тумани ҳокимлиги (Ш.Худайбердиев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳақимов):

“BEK ISAEVICH” масъулияти чекланган жамиятига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Шукуров ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов